

БЕРДИЕВА МУҲАББАТ МЕЙЛИЕВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРНИ
ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ОРҚАЛИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2011

БЕРДИЕВА МУҲАББАТ МЕЙЛИЕВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРНИ
ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Масъул муҳаррир:

проф. Р.Сафарова

Такризчилар:

п.ф.н. Ш.Неъматов

ТОШКЕНТ-2011

МУҚАДДИМА

Анъанавий мактабгача таълим тизимида тарбиячиларнинг тарбияланувчиларга муносабати асосан осойишта маромда бўлганлиги барчамизга аён. Улар асосан болаларнинг ташқи ҳаракатларигагина муносабат билдирадилар. Тарбиячилар болаларнинг ҳатти ҳаракатларига тезгина ёрдам кўрсатишга интиладилар. Масалан, урушқоқ болаларни жазолайдилар, уларнинг ташқи кўринишлари, атрофдагиларга бўлган муомалаларига нисбатан муносабат билдирадилар ёки уларнинг ота-оналарини мактабгача таълим муассасасига чакирадилар.

Тарбиячиларнинг педагогик фаолиятлари бир ёклама характерга эга бўлиб, тарбияланувчининг интеллектуал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бир қараганда тарбиячининг тутган йўли тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлиб кўринади. Улар гўёки болаларнинг саломатлиги, ҳаёти, тенгдошлари билан мулоқотга киришиши, эркин ривожланиши ва етук инсон бўлиши учун ғамхўрлик қилгандек бўлиб кўринади. Уларнинг мақсадлари ҳам аслида худди мана шундай, лекин бу жараёнда тарбиячилар болаларнинг интеллектуал ривожланишлари учун ёрдам кўрсатишнинг самарали йўллари танлай олмайдилар. Улар аксарият ҳолларда болаларга фақат буйруқ берадилар, уларни кўрқитадилар. Бунинг натижасида эса, болалар қайсар, ўжар бўлиб қоладилар. Уларнинг кўрсатмоқчи бўлган ёрдамлари болаларнинг интеллектуал ривожланишларига ҳалақит бера бошлайди. Тенгдошлари билан фаол ҳамкорлик қилишга тўсиқ бўлади. Шунинг учун ҳам тарбиячиларнинг бу тарздаги ёрдамлари боланинг интеллектуал ривожланишлари учун кутилган самарани бермайди. Тарбиячи ва тарбияланувчилар орасидаги ички зиддиятлар, болаларнинг баджаҳл, кўрс, катталарга шубҳа билан қарайдиган бўлиб шаклланишларига олиб келади. Натижада бундай болалар тарбиячиларга беписандлик билан қарай бошлайдилар ва мактабгача таълим муассасасидан беза бошлайдилар. Улар тарбиячилардан ҳимояланиш йўллари излайдилар. Бундай болалар

вазиятга мослашиш, ўзликларидан узоқлашишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзига хос тарздаги ижтимоий қулайликка эга бўлишни хоҳлайдилар.

Инсонпарварликка асосланган шахсга йўналтирилган мактабгача таълим жараёни эса, нафақат боланинг ташқи ҳолати, балки унинг ички дунёси, майллари, интилишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнда тарбиячиларнинг вазифаси тарбияланувчиларнинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, интеллектуал тараққиётларини таъминлаш воситалари, усуллари, методлари ва йўллари излаб топишдан иборатдир. Бунинг учун эса, улар энг аввало болаларнинг муаммоларини тушунишлари, ўзлари киритган қоидаларни бажаришга уларни мажбур қилмасликлари лозим. Чунки ўсиб, ривожланиб келаётган инсонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фикри кўпгина педагоглар ва психологлар томонидан таъкидлаб ўтилган. Улар ўзлари илгари сурган дидактик назарияларда болаларнинг қизиқишларини ҳимоя қилиш нуқтаи назарига таянадилар.

Болани интеллектуал ривожлантириш муаммоси 21 асрнинг дастлабки 10 йиллигида педагогиканинг етакчи муаммоларидан бирига айланди. Интеллект нима?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида интеллект сўзи қуйидагича изоҳланган. Интеллект [лотинча *intellectus* - ақл, идрок, тасаввур] 1. Кишининг фикрлаш қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси. 2. Шундай ақл-идрок, зеҳн-фаросат эгаси.

Интеллектуал эса, [лотинча *intellectus* – ақл-идрок, билиш; тушуниш] 1. Маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи ёки ақлий фаолиятнинг энг юксак ва мураккаб турлари билан шуғулланувчи шахс¹.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида бу таъриф янада кенгайтирилган: Интеллект (лотинча *intellectus* – билиш, тушуниш, идрок қилиш) – инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. 126-бет.

акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. Интеллект таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш, сўзлаш ва ҳоказо психик жараёнлар киради. Интеллектнинг ривожланиши туғма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Интеллект савияси, даражаси инсон фаолиятининг натижаларига, шунингдек, психологик тестларга қараб ҳам белгиланади, деб изоҳ берилган².

Маълумки, жўшқин фаолият ва ижтимоий тажриба таълим жараёнида таркиб топтирилади. Бунда мактабгача таълим бошланғич босқич ва пойдевор бўлиб ҳисобланади. Жумладан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бу ҳақида қуйидаги фикрлар баён этилган: “Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди”. (Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ, 1997. 46-бет)

Болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш тушунчаси остида эса, юқори касбий маҳоратга эга бўлган педагогларнинг фаолиятлари тушунилади. Авваломбор улар таълим олувчиларга огоҳлаштирувчи тезкор ёрдам кўрсата оладилар. Болаларни интеллектуал ривожлантириш муаммоларнинг ечими уларнинг руҳий, жисмоний саломатликлари, мулоқотлари, ўқув фаолиятларидаги муваффақиятлари, ўзларининг ҳаётдаги ўринлари ва касбий йўналишларини аниқлашлари учун ҳам муҳимдир.

Педагогик қўллаб-қувватлаш тушунчасининг марказида таълим олувчилар шахси туради.

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятининг энг долзарб муаммоси – интеллектуал жиҳатдан ривожланган шахсни шакллантиришдир. Бунинг

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. 179-бет.

учун ўқув-тарбия жараёни таълим олувчиларнинг айнан ўзларига йўналтирилиши лозим.

Ҳозирги ўзгарувчан шароитда қандай қилиб болаларни барқарор ривожлантириш мумкин, деган саволга назариётчилар ва амалиётчилар томонидан бирдай жавоб изланмоқдалар. Бунинг учун энг долзарб масала таълим олувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш воситалари ва шакллари излаб топишдан иборатдир. Болаларни педагогик қўллаб-қувватлашни мактагача таълим жараёнидан бошлаб узлуксиз давом эттириш лозим. Педагоглар таълим олувчиларнинг ҳар бир ҳолатини эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Улар ёрдамга муҳтож болаларни излашлари ва аниқлай олишлари лозим. Педагоглар таълим олувчиларни кашф этишлари, уларнинг муаммолари ва лаёқатларини аниқлай олишлари талаб этилади. Мактабгача таълим муассасаларининг педагогик жамоалари бу соҳада изчил иш олиб боришлари лозим. Болани интеллектуал ривожлантириш учун унинг шахсий муаммоларини ечишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бунинг учун тарбиячи индивидуал ва гуруҳли иш тажрибасига эга бўлиши лозим. Мазкур ишлар тезкор амалга оширилиши ва огоҳлантирувчи характерга эга бўлиши керак.

Шуларга асосланган ҳолда таълим-тарбия жараёнида болаларни қўллаб-қувватлаш орқали уларни интеллектуал ривожлантириш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммо эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал ривожлантириш ғояси кўпгина педагоглар ва психологлар томонидан илгари сурилган. Улар ўзлари илгари сурган дидактик назарияларда болаларнинг қизиқишларини ҳимоя қилиш ва уларга инсонпарварлик тамойиллари асосида ёндашиш нуқтаи назарига таянадилар. Шундай олимлар сирасига Р.Джураев, Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Сафарова, И.П.Иванов, Ш.А.Амонашвили, А.В.Мудрик, О.С.Газманларни киритиш мумкин.

Ривожланаётган шахсни педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги ҳақидаги фикрлар аксарият педагог ва психологларнинг ишларида бола қизиқишларини ҳимоялашнинг назарий-амалий хусусиятларини очиш тарзида акс эттирилган. Жумладан, Э.Ғозиев, А.Давлетшин, Р.Сафарова, И.П. Иванов, Ш.А. Амонашвили, А.В. Мудрик ва бошқаларнинг ишлари бунга мисол бўла олади. Айниқса, О.С.Газман, Д.Йўлдошевлар мақсадга қаратилган педагогик фаолият доирасида мазкур муаммога алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирлар: Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Абу ибн Синоларнинг ҳам асарларида бола таълим-тарбияси муаммолари очиб берилган. Шу билан бир қаторда, Я.А.Коменский, Г.И.Пестолоцци, Ж.Ж.Руссо, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, С.А. Рачинский, А.С. Макаренко, С.Н. Булгаков, П.Ф.Каптерев, В.И.Водовозов, П.П.Блонский, С.Т.Шацкий, Н.И.Алексеев, Асмолов, Е.В. Бондаревская, А.Н. Выршиков, Ю.З. Гильбух, И.Б. Котова, С.В. Кульневич, З.А. Малькова, В.В. Сериков, В.А. Сластенин, Е.Н. Шиянов, И.С. Якиманская, В.В. Зеньковский, Н.Л. Гофман, Н.А. Бердяев, Н.И. Пирогов, К.Н. Вентцеля, Ф.Р.Юзликаев, Э.Сейтхалилов, Б.Маъмуров, Н.И. Алексеев, В.В. Краевский, Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов ва Л.В.Занковларнинг тадқиқотларида ҳам болаларни интеллектуал ривожлантириш масалалари баён қилинган.

Мактабгача таълим жараёнида болаларни ҳар томонлама ривожлантириш муаммолари билан ҳам бир қатор олимлар шуғулланганлар. Ф.Фребель, М.Монтессори, О.Декроли, Е.И.Тихеева, Ш.А.Абдуллаева, Асқархўжаева, М.Расулова, Охунова, Г.Комилова, Л.Назирова мазкур муаммо билан шуғулланганлар.

I БЎЛИМ. Таълим-тарбия жараёнида болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш асосида интеллектуал ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари.

Таълим-тарбия тизимида мактабгача ёшдаги болаларнинг муаммоларига нисбатан тарбиячиларнинг муносабатлари асосан оддий, вазиятли характерга эга. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари аксарият ҳолларда, болаларнинг ташқаридан намоён бўлган хатти-ҳаракатлари ва бажарган ишларига жуда оддий тезкор кўмак тарзида ёрдамлашиш билан чекланадилар. Бу жараёнда уларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга деярли эътибор қаратмайдилар. Тўполончи, интизомсиз болаларни жазолаш, ота-оналарига улар ҳақида шикоят қилиш орқали уларнинг хатти-ҳаракатларини тузатишга умид боғлайдилар.

Тарбиячиларнинг бундай фаолияти бир ёқлама характерга эга бўлиб, болаларнинг интеллектуал ривожланишига тўсқинлик қилади. Албатта, тарбиячининг тарбияланувчиларга кўмаклашиши, уларни қўллаб-қувватлаш майллари ижобий, самимий, педагогик жиҳатдан асосланган бўлиб, у боланинг ҳаёти, интеллектуал тараққиёти, соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларда ўзаро мулоқот кўникмаларини таркиб топтириш, атроф-муҳит ҳақида тасаввур ҳосил қилишга йўллаш, уни инсон сифатида шакллантиришга қаратилган бўлса-да, мазкур жараёнда улар кўпинча буюриш, пўписа қилиш, қўрқитиш усулидан фойдаланадилар. Бунинг натижасида, мурғак болада қўполлик, бўйсинмаслик ёки ялқовлик каби салбий хусусиятлар жуда эрта пайдо бўлади.

Бундай ёрдам боланинг ҳаракатларига ноўрин аралашиш, унинг ишларига тўсқинлик қилиш тарзида намоён бўлади. Натижада тарбиячи билан тарбияланувчи орасидаги ҳамкорликка путур етади ва кўрсатилган педагогик ёрдам ва қўллаб-қувватлов ҳеч қандай самара бермайди. Боланинг ҳиссиётларини кўзғатиш, ички зиддиятлар натижасида ҳосил бўлган салбий хатти-ҳаракатларни тарбиячилар томонидан сунъий тарзда,

зўравонлик билан бартараф этиш ҳоллари кенг тарқалган. Бундай вазиятда бола тарбиясидан ҳимояланишга интилиб, натижада улар ўзига хослиги, бетакрорлигини намоён қила олмайди. Ўзлигини пинҳон тутати ва вужудга келган вазиятга осонгина мослашади. Шу сабабдан бола шахсига йўналтирилган педагогик тизим уни ташқи жиҳатдан намоён бўлишига кўмаклашиш билан чегараланиб қўлмасдан, боланинг ички майллари, эҳтиёжларини ҳисобга олишга оид педагогик кўрсатмаларга таянган ҳолда ташкил этилиши лозим. Бу жараёнда тарбиячининг вазифаси боланинг шахсий имкониятлари, ўзлиги, ички “мен”ини намоён этишга хизмат қиладиган восита ва усулларни қўллашдан иборатдир. Бунинг учун улар ўзларига маълумдек туюлган ҳақиқатлар билан бола руҳиятига озор бермай, тарбияланувчилар интеллектуал ривожланишларида дуч келадиган муаммоларни аниқлай олишлари лозим.

Ривожланаётган шахсни педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги ҳақидаги фикрлар аксарият педагог ва психологларнинг ишларида бола қизиқишларини ҳимоялашнинг назарий-амалий хусусиятларини очиш тарзида акс эттирилган. Жумладан, Э.Ғозиев, А.Давлетшин, Р.Сафарова, Б.Адилов, И.П. Иванов, Ш.А. Амонашвили, А.В. Мудрик ва бошқалар. Айниқса, О.С.Газман, Д.Йўлдошевлар мақсадга қаратилган педагогик фаолият доирасида мазкур муаммога алоҳида эътибор қаратганлар.

Педагогик қўллаб-қувватлаш тушунчаси остида тарбиячи тарбияланувчининг жисмоний, руҳий саломатлиги, интеллектуал ривожланиши, бир-бирларига нисбатан ўзаро муносабатлари, атроф-муҳитни англашдаги ютуқлари ва ўзига хос муаммоларини ҳал қилишга қаратилган оддий, самимий, тезкор, огоҳлантирувчи ёрдам тушунилади.

Педагогик қўллаб-қувватлаш тушунчасининг асосий мазмун-моҳиятини ифодаловчи таянч иборалардан бири “болалар муаммоларидир”. Бугунги кунда мактабгача таълим жараёни олдида баркамол шахснинг шаклланиши учун пойдевор ҳосил қилиш вазифаси турибди. Бунинг учун яқин ўтмишда фойдаланилган анъанавий ўлчовлардан қутулиш тақозо

килинмоқда. Ҳар бир бола ўзини жамиятда эркин ҳис этиши ва микросоциумда муносиб ўрин топиши учун нималарга эътибор қаратиш лозим?” – деган саволларга жавоб топиш мактабгача таълим педагогикасининг муҳим вазифаларидандир. Ҳар бир болани мактабгача таълим босқичидан бошлаб, педагогик қўллаб-қувватлаш орқали интеллектуал ривожлантириш, уларнинг ўйчан нигоҳларига эътиборсиз бўлмаслик, кўмакка муҳтож болаларни аниқлаш ва тезкор ёрдам кўрсатиш, уларнинг ўзларини намоён қила олишларига кўмаклашиш ечимини кутаётган муҳим масалалардандир.

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятида боланинг индивидуал муаммоларини бевосита ва билвосита ҳал этишга қаратилган индивидуал ва гуруҳли ишлар ташкил этилиши, улар муаммоларни бартараф қилишга қаратилиши ва тезкорлик характериға эга бўлиши лозим.

Мустақиллик йилларида мактабгача таълим соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди. Мазкур бўғинда ҳам анъанавий таълимдан фарқли тарзда янги дастурлар, технологиялар амал қила бошлади. Бугунги кунда мактабгача таълим жараёнида болага инсонпарварлик тамойиллари асосида ёндашиш устувор ўрин эгалламоқда. Унинг асосини болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, уларнинг ўзига хослиги, шахсий сифатлари ва интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш, тарбиячи билан тарбияланувчилар орасида субъект-субъект муносабатларини қарор топтириш устувор аҳамият касб эта бошлади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни интеллектуал ривожлантириш, уларнинг тасаввурларини кенгайтиришда қулай имкониятлар ярата оладиган, боғча-мактаб каби янги типдаги таълим муассасалари вужудга келди. Мактабгача таълим муассасаларида олий маълумотли тарбиячилар сафи кенгайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилди. Жумладан: “Мактабгача таълим бола соғлом,

хар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди”³.

Мактабгача таълим жараёни болаларни ахлоқий, интеллектуал, жисмоний ривожлантириш учун қулай педагогик имкониятларга эга. Зеро, бу ҳақида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қуйидагича вазифа қўйилган: “малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш; мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш; ...; замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш; мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш; мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;”⁴ ва ҳоказо.

Бундай вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда, тарбиячиларнинг малакасини ошириш ва уларни тайёрлаш сифатини яхшилаш талаб этилади. Мактабгача таълим жараёнида узвийликни таъминлаш учун Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов ва Л.В.Занковлар концепциясига таяниш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунга келиб мактабгача таълим жараёнида болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали интеллектуал ривожлантириш муаммоси долзарб масала сифатида намоён бўлиб келмоқда. Мактабгача таълим муассасаларига қатновчи болалар сони қатор сабабларга кўра йилдан-йилга пасаймоқда. 1992 йилдан бугунги кунда қадар мазкур кўрсаткич 55% га қисқарган. Бу эса бошланғич синфларда уларни ўқитиш ва интеллектуал ривожлантириш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оилада болаларга бериладиган таълим- тарбия эса, мактабгача

³ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т.: Шарқ, 1997 й. 46-б.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т.: Шарқ, 1997 й. 46-б.

таълим жараёнида амалга ошириладиган педагогик жараён натижасига тенглашмаяпти.

Бугунги кунга келиб, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мужассам ривожлантириш мақсади устувор бўлиб, ўқув предметларига асосланган таълим-тарбияга чек қўйилди. Болаларнинг тасаввурлари, тушунчалари, сўз бойликларини кенгайтириш, атроф-муҳит ҳақида маълумотлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чунки кўппредметлилика асосланган таълим болаларда яхлит тасаввур ҳосил қилишга тўсқинлик қилади. Шу билан бир қаторда, уларнинг вақти ва кучи ортиқча сарфланишига олиб келади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга табиат, инсон, жамият ҳақидаги дастлабки энг оддий тасаввурларни ҳосил қилиш лозим.

Мактабгача таълим босқичида инновацион жараёнларнинг кенг амалга оширилиши болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал ривожланиши учун замин яратмоқда. Тарбиячи мактабгача таълим жараёнини болаларни қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган модели яратувчиси сифатида намоён бўлиши керак. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бунинг учун тарбиячи мактабгача таълим жараёнида қўлланиладиган янги педагогик технологиялар ва инновацион усулларни чуқур ўзлаштирган бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда, тарбиячилар бола руҳий ривожланишини ташхислашнинг турли методикаларини яхши билишлари талаб этилади. Улар замонавий инсонпарварлик концепцияларни билишлари ва шахсни тарбиялаш методикасини эгаллаган бўлишлари зарур.

Кузатишларимиз мактабгача таълим муассасалари педагогик жараёнида қуйидаги тенденциялар мавжудлигини кўрсатмоқда: Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар сони камайиши кузатилмоқда. Бу ҳол айниқса, қишлоқ жойларида яққол сезилмоқда. Бунинг асосий сабаби туғилишнинг бир қадар камайганлиги. Шу билан бир қаторда, шаҳардаги мактабгача таълим муассасалари

гурухларида болалар сони йил сайин кўпаймоқда. Бу айниқса, таълим-тарбия самарадорлиги ва сифати юқори бўлган мактабгача таълим муассасаларида кузатилмоқда.

Бу биринчи навбатда мактабгача таълим муассасалари моддий техник базасини ривожлантириш, олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлашни тақозо қилмоқда, 5-6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш учун ўқув анжомлари ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Аксарият ота-оналарда эса, болаларини мактабгача таълим муассасаларида мактабга тайёрлаш иштиёқи кучлидир. Бундан ташқари 6 ёшлилар учун мактаб муҳитига қўйилган қатъий талаблар: ўйинлар, машғулотлар ўтказиш ва дам олиш учун хоналарнинг етарли бўлиши ва зарур жиҳозлар билан таъминланиши талаб этилади. Бундай шароитнинг етарлича мавжуд эмаслиги, болаларни мактабга тайёрлашда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мусатқиллик йилларида мактабгача ва бошланғич таълим мазмунида узвийликни таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида 6 ёшли болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига келиши бир қадар кўпайди. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим мазмунига жиддий ўзгартиришлар киритиш, болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали интеллектуал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш тизимини яратишга эҳтиёж сезилмоқда.

Бу даврда мактабгача таълимда бир қатор янгиланишлар амалга оширилиб, унинг мақсадлари тубдан янгиланди. Унинг болаларни интеллектуал ривожлантирувчи функцияси кенгайиб таълим олувчиларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш устувор аҳамият касб эта бошлади. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълимнинг янги мазмуни кўпвариатлилиқ, узвийлик, болаларда дастлабки кўникмалар ва тасаввурларни шакллантириш, уларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлиши керак.

Бироқ, даслабки кўрсаткичларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълим муассасаларида болаларга анъанавий тизим асосида ёндашиш бугунги кунда ҳам салмоқли 58 % ни ташкил қилмоқда. Янгича ёндашувлар эса, 23% ни, оралиқ ёндашувлар 19% ни ташкил этмоқда.

Янгича ёндашувларнинг ўзига хос педагогик хусусиятлари шундаки, у болаларда дастлабки кўникма ва тасаввурларни ҳосил қилиш асосида уларнинг онги, тафаккурини ўстиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга таълим-тарбия бериш асосида уларни интеллектуал ривожлантириш учун таълим жараёни субъекти сифатида уларнинг фаолликни шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Мактабгача таълим жараёнида болаларни қўллаб-қувватлаш орқали уларни ўз-ўзини ривожлантириш ва мунтазам такомиллаштиришга интилувчи, таълим субъекти сифатида шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарур. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаларида болаларни педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув машғулотларини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Ўз навбатида педагог кадрларни ҳам мазкур методика асосида ишлашга тайёрлаш зарурияти мавжуд.

Болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали интеллектуал ривожлантириш тизимининг афзаллиги уларни мужассам тараққий эттиришга йўналтирилган бўлиб, унинг асосий мазмуни таълим олувчиларнинг интеллектуал фаолиятларини ривожлантириш, дастлабки тушунча, кўникма ва тасаввурларини таркиб топтиришнинг ишончли асоси сифатида ирода ва ҳиссиётларини бойитишдан иборат. Мазкур тизимнинг яхлитлиги барча қисмларнинг ўзаро алоқадорлигида ўз ифодасини топади. Мактабгача таълимнинг янги мақсадлари, янги дидактик тамойиллари, мазмуни, методик тизимнинг типик хусусиятлари, тушунчалар, кўникмалар, тасаввурлар ҳосил қилиш ва уларни ривожлантиришнинг натижавийлигини таъминлашни назарда тутди. Бунинг учун бир қатор мактабгача таълим

муассасаларида мазкур тизимдан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур муаммонинг долзарблиги жамиятда интеллектуал салоҳиятга эга ёшларга бўлган эҳтиёжнинг кучлилиги билан белгиланади. Боланинг мавжуд оламини яхшилик сари йўналтириш, уларнинг ҳаётдаги етуқлигини таъминлаш инсонпарвар педагогиканинг муҳим масалаларидан биридир. XXI аср – интеллектуал салоҳият асри сифатида инсоният тарихига кириб келди. Ҳозирги тамаддуннинг энг юқори чўққиси юксак илмий кашфиётларни амалга ошириш даври сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг натижасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий инфраструктуралар, фан ва технологиялар ривожланмоқда.

Янги маданий кадриятларга асосланган ўзбекистон жамиятида мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб болаларнинг интеллектуал ривожланишларини қўллаб-қувватлаш тизимини вужудга келтириш инсонпарвар педагогиканинг етакчи вазифаларидан биридир. Таълим олувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ривожланиш имкониятларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат сиёсати болани ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай педагогик имкониятларни яратишга қаратилгандир. Бунинг учун болаларнинг онги, хулқ-атворлари ва таълим-тарбия жараёнига мослашишлари учун янги ижтимоий-маданий кадриятлардан фойдаланиш лозим.

Болаларнинг интеллектуал ривожланишларини қўллаб-қувватлаш муаммосининг долзарблиги ижтимоий воқелик, кўпмаданиятлиликлари асосланган таълим-тарбия ҳамда ижтимоий педагогик вазиятлар билан бевосита боғлиқдир. Бу ўз навбатида ижтимоий педагогик вазиятнинг ўзига хос жиҳатларига ҳам таянишни тақозо қилади. Бу жараёнда таълим, миллий тарбия, болалар экологияси, болаларни фан-техника ютуқларига қизиқишлари муҳим аҳамиятга эга.

Болаларни интеллектуал ривожланишларини қўллаб-қувватлашда уларнинг шахсияти ва ўзлигига таяниш талаб этилади. Шунга кўра

мактабгача таълим-тарбия парадигмаси ўзгаради ва мактабгача таълимнинг янги назарияси ва амалиётини тадқиқ этишни тақозо қилади. Бундай назария доирасида болаларнинг интеллектуал шаклланишлари ва бу соҳадаги имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш шахсга йўналтирилган таълимнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Замонавий ижтимоий-педагогик вазиятлар, кўпфаолиятлиликка асосланган таълим жараёнининг ривожланиши, болаларни педагогик қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини аниқлаш заруриятини илгари сурмоқда. Мактабгача таълим назарияси ва амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, жамият ривожланишининг барча босқичларида болаларни интеллектуал ривожлантириш ва уларнинг имкониятларини рўёбга чиқириш муаммоси бу жараёнда уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш кўплаб олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Ўтмишда яшаб ўтган йирик педагоглар: Я.А.Коменский, Г.И.Пестолоцци, Ж.Ж.Руссо, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, П.Ф.Каптерев, В.И.Водовозов, П.П.Блонский, С.Т.Шацкий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Абу ибн Синоларнинг ишларида бу муаммога оид ёндашувлар ўз ифодасини топган.

Улар миллий характердаги таълим муассасаларида болаларни интеллектуал, ахлоқий, маънавий, эркин шахс сифатида шакллантириш, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш кўникмасига эга бўлган тарбиячи ва ўқитувчиларни тайёрлаш, уларни болаларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашга оид назариялар билан қуроллантириш соҳасида ўз қарашларини баён қилинган. Бу ишларда бола шахсининг интеллектуал ривожланишида ижтимоий педагогик қўллаб-қувватлашнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланади.

Инсонни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашнинг фалсафий йўналишлари Н.А. Бердяев, Г.Ф. Гегель, И. Кант, В. Лейбниц, М. Монтен, Ж.Ж. Руссо, Э.Фромм, Э.Юсуповларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Бу ишларда инсон характери, ички оламининг фалсафий асосларини тушуниш йўллари ўз

ифодасини топган. Бунга яхшилик, ёмонлик, буюклик ва пастга уриш кабиларни киритиш мумкин.

Болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашнинг муҳимлигини ҳар жиҳатдан англаб етган педагоглар бу соҳадаги назарияга асос солишга киришдилар. Биз ўз қарашларимизни назарий жиҳатдан асослашда педагог ҳамда психологларнинг шу соҳадаги ёндашувларига таянамиз. Жумладан, З.Фрейд, Э.Берн, Э.Эриксон, Р.Бернс, К.Юнг, У.Глассер, Р.Сафарова, Б.Маъмуров ва бошқалар. Мазкур олимлар томонидан болаларни ижтимоий педагогик қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш муаммоси кенг кўламда ўрганилган. Бу соҳада Е.В.Бондаревская, Б.З.Вульфов, Л.С.Выготский, В.А.Кан-Калик, И.Я.Лернер, А.Н.Леонтьев, Л.И.Новикова, С.Л.Рубинштейн, В.А.Сластенин, Н.Е.Щурковалар салмоқли фикрларни илгари сурдилар.

Болаларни педагогик қўллаб-қувватлашнинг олимлар томонидан ишлаб чиқилган назарий асослари: педагогик билимларнинг табиатини асослашга бағишланган (В.В. Краевский), таълим жараёнининг яхлитлиги (В.С. Ильин), педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари (В.И. Загвязинский)ларнинг ишларига таянади. Мазкур ишларда таълим жараёнига нисбатан табиий-илмий ёндашув ўз ифодасини топган.

Фундаментал назариялар, анъанавий таълим-тарбия тизими педагогик қўллаб-қувватлаш тизимини назарий жиҳатдан асослашда катта аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, педагогик мерос бизнинг нуқтаи назаримизда ижобий жиҳатлари билан намоён бўлади. Мавжуд таълим-тарбиянинг ижобий жиҳатлари сифатида педагогик қўллаб-қувватлашга қарши ҳаракатлар амалга оширилганда боланинг ҳиссиётлари йўқолади; болалар ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатишлари; мақсадларнинг ойдинлиги; жамоавийлик кабилар таркиб топади. Илгариги барча назариялар шахсга объект сифатида ёндашишни талаб қилар эди. Таълим жараёнига нисбатан билимларга асосланган ёндашувда боланинг ўзига хос хусусиятларига етарлича эътибор берилмайди.

Таълим-тарбиянинг мавжуд шарт-шароитларида бола шахсини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш масаласи истикболли йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Чунки бу муаммо янги аҳамият ва характер касб этмоқда. Ўзининг моҳияти ва мазмун жиҳатдан тўлдирилиши зарурлиги асосланганда бир қатор интеграллашган фундаментал омилларга таянади. Бундай омиллар сирасига глобал, миллий, ҳудудий ривожланиш омилларини киритиш мумкин. Уларнинг марказида таълим оловчилар шахси, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш туради.

Бундай шароитда таълим жараёнининг муҳим муаммоси таълим-тарбиянинг инсонпарварона парадигмаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу парадигмалар замонавий ижтимоий-маданий вазиятга мос келиши лозим. Шундагина у кўпмаданиятликка асосланган таълим жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳал эта олади. Унинг ечимларини топишга ҳаракат қилиш, инновацион тарбия концепцияси муаллифлари томонидан амалга оширилди. Биз ҳам ўз тадқиқотларимиз жараёнида худди мана шу концепциянинг асосини ташкил қилган инсонпарвар ёндашувларга таянишга ҳаракат қилдик. Бунга қуйидагилар алоқадордир: ўз-ўзини ривожлантиришга асосланган тарбия тизими (Л.И. Новикова); инсонни маданият ёрдамида тарбиялаш (Е.В. Бондаревская); жамоавий ижодий иш методлари (И.П. Иванов); эркинлик педагогикаси ва педагогик қўллаб-қувватлаш (О.С. Газман); шахсга йўналтирилган таълимнинг дидактик моделлари (В.В. Сериков); педагогик фаолиятни мустақил ташкил этиш (С.В. Кульневич) кабилар бунга мисол бўла олади. Мазкур тадқиқотлар негизида ифодаланган ғоя: дунё таълимнинг илмий-техника тараққиётига ўтиш парадигмасидан, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга асосланган шахсга йўналтирилган ҳамда ўз фаолиятини ижодий тадбиқ этишга қаратилган инсонпарварлик парадигмасига ўтмоқда.

Бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммолардан бири, инновацион фаолиятга тайёр бўлган педагогларни етиштириш муаммосидир. Педагогнинг касбий лаёқатлилиги кўпгина мутахассисларнинг

тадқиқотларида кўрсатиб ўтилган. (Е.В. Бондаревская, А.Д. Алферова, Г.Д. Дмитриева, Р.М. Куличенко, Н.В. Кузьмина, В.Т. Фоменко, В.А. Сластенин, Р.Ҳ.Жураев, С.Т.Турғунов, Ш.Қ.Мардонов).

Таълим оловчилар шахсини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ишлар мутахассисларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Таълим оловчилар шахсини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг инновацион тизимини вужудга келтиришга йўналтирилган бир қатор ёндашувлар муаммони асослашда алоҳида аҳамиятга эга.

Инсонпарвар педагогикада вужудга келган кўпгина концепциялар ва назариялар таълим оловчилар шахсини қўллаб-қувватлаш тизимини назарий жиҳатдан асослашда муҳим аҳамият касб этади. Педагогик тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик қўллаб-қувватлаш асосида мактабгача таълим муассасаларида таълим оловчиларнинг интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш муаммоси тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Чунки бугунги кунга қадар мактабгача таълим педагогикасида шахсга йўналтирилган ёндашув етарлича тадбиқ этилмапти. Шу билан бир қаторда, мактабгача таълим муассасаларида таълим оловчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашнинг дидактик шарт-шароитлари, воситаларини ишлаб чиқиш муаммоси ўзига жалб қилмаган. Шунинг учун ҳам уларнинг тадқиқот ишларида мазкур муаммо мутлақо ечилмаган.

Бугунги кунга келиб педагогика фани ва таълим тизими амалиётида таълим оловчилар шахсига эътибор қаратиш муаммоси яққол устиворлик қилмоқда. Умуминсоний қадриятларни қабул қилиш асосида педагогика фани шахсга йўналтирилган инсонпарвар парадигмага ўтмоқда. (Н.И. Алексеев, Ш.А. Амонашвили, А.В. Мудрик, А.Г. Асмолов, Е.В. Бондаревская, А.Н. Вырщиков, О.С. Газман, Ю.З. Гильбух, И.Б. Котова, С.В. Кульневич, З.А. Малькова, В.В. Сериков, В.А. Сластенин, Е.Н. Шиянов, И.С. Якиманская).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ 1999.
2. Ўзбекистон Республикасида Мактабгача таълим тўғрисидаги Низом // Мактабгача тарбия. Т.: 2000. 1-сон.
3. Абдакимова М. К. Организационно-педагогические основы развития системы дошкольного образования в республике Узбекистан (1991-2000гг.). ТДПУ-2004; 174с. Дисс. на соис. учен. степ. кан. пед. наук.
4. Абиджанова С.Д. Соотношение образных и речевых средств в развитии пространственных представлений дошкольников. Автореферат. М-1990г., 16 с.
5. Абдуллаева Ш. Илк ёшдаги болаларнинг сенсор тарбияси. Тошкент – Ўқитувчи, 1983 й., 96 б.
6. Абдуллаева Ш.Ш. Педагогические технологии развития познавательных творческих способностей младших школьников. Дис... кан. пед. Наук: 13.00.01. Р УЗ Узб НИИ пед. Наук им. Т.Н.Кары-Ниязова Т., 2005.-230с
7. Адриянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устно речевому общению на русском языке: Дис. ...док. Пед. Наук / Уз НИИ пед. Наук. Им Т.Н.Кары-Нияни. – Т., 1997. – 350с.
8. А.Н.Гвоздев. «Вопросы изучения детской речи». – М., 1984. 24 с.
9. Аппилова Н.В. Психологический анализ роли личностной значимости содержания высказывания в речевой деятельности: Автореферат... канд. псих. наук. (19.00.07). – М., 1984. 24 с.
10. Арушанова А. Дошкольнқй возраст: формирование грамматического строя речи: вопросы теории // Дошкольное воспитание. М.: - 1993.№ 9., стр: 58-65.
11. Арушанова А. Формирование грамматического строя речи дошкольника // Дошкольное воспитание. М.: - 1997. № 2., стр: 58-63.

12. Асқархўжаева М. Боғчаларда ўзбек тилини ўрганиш. Болалар боғчаси тарбиячилари учун методик қўлланма. Т.: Ўқитувчи – 1994, 128б.
13. А. Суюнов, Н.Аҳмедова, Г. Эштурдиева. Нутқ ўстириш. Кичик ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш учун қўлланма. “ART FLEX”, 2007, 32 бет.
14. Бошланғич таълим. № 3, 2008 3 март. Илмий-методик ахлоқий-таълимий оммабоп журнал.32 бет (6 бет).
15. Ветрова В.В., Смирнова Е.О. Ребёнок учиться говорить. М.: - Знание, 1988., стр.: 94.
16. Л.А.Венгер, Э.Г.Пилюгина, Н.Б.Венгер. Воспитание сенсорной культуры ребёнка. Москва «Просвещение»-1988., 41 стр.
17. Галигузова Л., Смирнова Е.О. Ступени общения: от года до семи лет. Книга для воспитателя. М.: «Просвещение» - 1992., стр.: 143.
18. Гербова В. Планирование работы по развитию речи и ознакомление с художественной литературой // Журнал «Дошкольное воспитание» - 1999. № 3., стр.: 19-22.
19. Дурдона. Болалар учун бадиий адабиёт хрестоматияси // тузувчи З. Иброхимова. Т.: - Чўлпон – 1995., 256 б.
20. Дьяченко О.М., Лаврентьева Г.В. Психологическое развитие дошкольников . М.: - “Педагогика” – 1984., стр.: 127.
21. Ибрахимов И. Ўзбек миллий тилининг нутқ маданияти масалалари. Тошкент, 1969.
22. Исмоилова Р. Идрок жараёни – етакчи омил: 6-7 ёшли болаларга тарбия// “Бошланғич таълим” журнали – 1999., № 3., 36-37 б.
23. Л.А.Венгер. Э.Г.Пилюгина. Н.Б.Венгер. Воспитание сенсорной культурк ребёнка.// Книга для воспитателя детского сада. М.: “Просвещение” -1988., стр.: 3 – 143.
24. Леонтьев А.А. Функции и формы речи. – «Основы теории речевой деятельности» китобида / А.А.Леонтьев тахрири остида. М., 1974, 254-б.

25. Л.Ф.Островская. Педагогические знания – родителям. (Материалы семинаров для родителей).// Пособие для воспитателя дошкольного учреждения. М.: «Просвещение»- 1983., стр.: 90-103.
26. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. Тошкент, А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.
27. Н.Боймуродов. Амалий психология. Тошкент “Янги аср авлоди” – 2008. 81 – 217б.
28. П.Поддъяков, В.Аванесов. Сенсорное воспитание в детском саду. Учебное пособие. Москва-1981г.
29. П.И.Иванов., М.Е.Зуфарова. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Т.: -2008. 75-357б.
30. Р. Раҳимова. Тарбиячига минг бир маслаҳат.Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2007, 160бет.
31. Соловьева О.И. Методика развития речи и обучения родному языку в детском саду. 3-нашр. М., 1966. 27-б.
32. Ф.А.Сохина. Развитие речи детей дошкольного возраста. // Пособие для воспитателя детского сада. М.: “Просвещение” 1984.стр.: 4-161.
33. Ш.Шодмонова. Мактабгача таълим педагогикаси (ўқув-методик қўлланма).Т., “Фан ва технология”, 2008, 160 бет.(33, 40, 72-81бетлар)
34. Шодиева Қ.С. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш. Т.: ўқитувчи – 1995., 226 б.
35. Шодиева Қ.С. Ўрта гуруҳ болалари нутқини ўстириш. // Пед. билимгоҳларининг ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Т.: - Ўқитувчи 1993., 224 б.
36. Э.Г.Пилюгина. “Занятия по сенсорному воспитанию с детьми раннего возраста”, пособие для воспитателя детского сада, –М., 1983г.-162, 165, 284стр.
37. Уразова З.М. Дидактические условия формирования пространственного мышления младших школьников. Пед. фан. ном. дисс. Т – 2006., 176с.

38. “Учинчи мингйилликнинг боласи” таянч дастури. Меъёрий хужжат. “Маърифат - Мададкор” нашриёти – 2000й., 160 б.
39. Фомичев М.Ф., Шодиев К.С. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш. Т.: - Ўқитувчи 1984., 128б.
40. Э.Ғозиев. Психология: (Ёш даврлари психологияси): Пед. ин-тлари ва ун-тларнинг талабалари учун ўқув қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1994. 70 - 224 б.
41. Ўзбек халқ мақоллари. “Шарқ” нашриёт –матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: - 2005. 78 -154-208 бетлар.
42. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. 126-бет.
43. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. 179-бет.
44. Янакиева Е.К. Ознакомление с природой как средство обогащения изобразительной деятельности детей 4-5 лет. Автореферат. М – 1986г., 22с.

